

Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Кун ҳақиқати



КУН НАФАСИ

Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилгай.

Амир Темур

Ishonch

2020 йил 16 июнь • сешанба • № 64 (4349)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



2020 йил 15 июндан «ЯШИЛ» ва «САРИҚ» ҳудудларда

- кафе ва рестороанлар; хусусий боғчалар;
- буюм бозорлари қайтадан очилди;
- ҳудудлараро автобус қатновлари тикланди.

- эпидемиологик вазият барқарор давлатлар билан авиақатновларни қайта йўлга қўйиш бошланади.

- Ўзбекистон фуқароларига ўқиш ва меҳнат фаолиятини давом эттириш учун хорижга чиқишга рухсат берилди.

- 6 та тоифадаги фуқароларга Ўзбекистонни тарк этишдан ташқари, ватанга қайтиб киришга ҳам рухсат берилди. Жумладан, энди даволаниш мақсадида хорижга бориб келиш мумкин. Чет элда яқин қариндошлари ёки оғир касал қариндош-уруғлари бор шахсларга ҳам чегаралар очилди.

Энди карантин харажати карантин талабларини бузган қоплайди

Карантин 1 августгача узайтирилди. Шу жумладан, ҳудудларни уч тоифага ажратиш амалиёти ҳам. Жамоат жойларида ниқоб ва антисептикдан фойдаланилиши бўйича назорат кучайтирилади.



«ОҚ КЕМА»: ҳақиқатга айланаётган афсона!

Мўйноқ туманининг мафтункор қиёфаси яна бир янги замонавий бино билан чирой очди. Президентимиз ташаббуси билан Мўйноқ туманининг «Бозатау» ОФЙ ҳудудида узукка кўз қўйгандек ярашган «Оқ кема» номли замонавий болалар соғломлаштириш оромгоҳи фаолият бошлади.

Оромгоҳнинг тантанали очилиш маросимида давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, кенг жамоатчилик, ота-оналар ҳамда болалар иштирок этди.

- Бугун Қорақалпоғистоннинг қай бир туманига борманг, улкан янгиликларга гувоҳ бўласиз, - деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов. - Мўйноқ эса ўзининг янгидан туғилиш даврини бошдан ўтказмоқда. Ўзим ҳам ҳар сафар бу ерга келганимда, юрагим орзиқиб кетади. Давлат раҳбарининг ўз халқига бўлган чексиз муҳаббатини ҳис этаман, уни чин юракдан севишига имон келтираман. Мўйноқ туманида қад ростлаган шундай мухташам даргоҳда ўғил-қизларимиз нафақат мароқли дам олади, балки жисмонан чиниқади, ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини оширади, қизиққан йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Шу пайтгача қорақалпоғистонлик болажонлар юртимизнинг бошқа ҳудудларидаги болалар оромгоҳларига олиб борилар эди. Бу эса, албатта, болаларнинг хавфсизлиги, саломатлиги, ота-оналарнинг хавотири каби бир қатор муаммоларни келтириб чиқар эди. Ва яна ич-ичимиздан бир саволга жавоб топа олмасдик: нега энди Қорақалпоқ заминида бир замонавий оромгоҳ бўлмаслиги керак?

AQKEME
BALALAR DEM
ALIW ORAYI

Президент ташрифидан сўнг...

«2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.



2020 йил ҳосили учун экилган бошоқли дон ҳосилини ўз вақтида ва сифатли ўриб-йиғиб олишни ташкил этиш чора-тадбирларига оид ҳукумат қарори қабул қилинди.



Сув тошқинидан зарар кўрган сирдарёликлар учун Туркия давлати инсонпарварлик ёрдами жўнатди.



Давергеодезкадастр кўмитаси таклифи билан Турпоқшунослик ва агрокиме илмий-тадқиқот институти олимлари фермер хўжаликлари, кластерлар ва томорқа ер эгаларига тезкор туپроқ хизматларини кўрсатиш мақсадида «TURPOQ KLINIKASI» мобил лабораториясини ташкил этди.



Тоғли Сарийосиё туманидаги хушманзара Сангардақ қишлоғида «YONOB-XOFIZ» GUEST HOUSE оилавий меҳмон уйи ташкил этилди.



Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида билим юртини тамомлаган ёш офицерларнинг битирувига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида «Шихмашхад» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси - гузар фойдаланишга топширилди.

Навоий вилоятида юрак хасталигига чалинган ёшларни даволашга қаратилган «Меҳрибон юрак» II хайрия акцияси якунланди.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.

Келгуси сонларда ўқинг:

183,6
ГРАММ -
128,9 €
ЕВРО

Беписандлик балоси

ёхуд ўзбек олими ихтиро қилган модда ҳақида

Йўл қурмоқ = САВОБ, БУЗИШ-ЧИ?..

3

15 июнь куні мамлакатимизда 183 кишида коронавирус қайд этилди. Шундан 144 нафари Карантин муассасаларидаги фуқаролар 29 нафари аҳоли орасида қолган 10 нафари эса халқаро юк ташувчи автомашина ҳайдовчилари орасида аниқланган. Кун давомида 76 нафар бемор соғайди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони» яъни «Call-center»

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшайтган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

<https://t.me/koronavirusinfouz>

Оромгоҳ Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилнинг ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Мўйноқ тумани комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича берган тарихий топшириғи асосида бунёд этилди.



«ОҚ КЕМА»:

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАЁТГАН АФСОНА!

– Президентимиз Мўйноққа келиб, йўғилиш ўтказганда мен ҳам иштирок этгандим, – дейди Мўйноқ тумани халқ таълими бўлими мудири Максет Аметов. – Шунда Юртбошимиз «Мўйноқда замонавий муҳташам болалар оромгоҳи қурилади. Маданият Мўйноқдан бошланади», деганда, бутун залдаги йўғиланлар гулдурас қарсак чалганди. Ҳақиқатан ҳам, мана, туманимизда оромгоҳ иш бошлади. Умуман олганда, мўйноқликларнинг бугунги кунда ҳаётга қарши бутунлай ўзгарди. Бундан 4-5 йиллар олдин халқнинг руҳи жуда чўчиб кетган эди. Келажакдан умиди йўқ эди одамларнинг. Бугун туманимиз қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Одамларнинг юрагида жўш бор, куч-шижоат бор. Болаларимизнинг қувончини айтмайсизми?!

Қисқа муддатлар ичида туман ҳудудида бўш ётган 12,7 гектар майдонда «Оқ кема» номли замонавий болалар оромгоҳи ва соғломлаштириш маркази қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Оромгоҳда болаларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, уларнинг турли йўналишларда билим ва малакаларини шакллантириш учун ҳам шароитлар муҳайё қилинган. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси мазкур объект қурилиши учун 36 миллиард сўм ажратди. Қурилиш ишларини «Шорахан қурилиш монтаж» МЧЖ амалга оширди.

«Оқ кема» оромгоҳи бир навбатда 250 нафар болани қабул қилишга мўлжалланган. Марказда болалар ётоқхоналари барча жиҳозлар билан таъминланган. Жисмоний тарбия машғулоти учун футбол, баскетбол, волейбол майдончалари ва болалар сузиш бассейни бор. Стол тенниси, шахмат-шашка ўйинлари учун жойлар ажратилган. Маданий тадбирларни ташкил қилиш учун амфитеатр, кутубхоналар мавжуд. Тиббиёт хоналари, ошхоналар замонавий ускуналар билан таъминланган. Оромгоҳда 50 тадан орტიқ янги иш ўрни яратилди.

– Мен Ўзбекистонда намунали деган кўплаб оромгоҳларни кўрганман, лекин бу ердаги каби шароитларни бошқа жойда учратмаганман. Менинча, «Оқ кема» оромгоҳи юртимиздаги беқиёс масканларнинг бири, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари М.Данияров. – Мазкур муаззам қоша муҳтарам Юртбошимизнинг азиз халқимиз фарзандларига бўлган оталарча гамхўрлиги тўғрисида, деб биламан. Шахсан ўзим оромгоҳга ҳар келганимда юрагимда болаликка қайтиш орсуси тўғилади. Бизнинг болалигимизда бундай масканлар бўлмади, ахир.

хат» болалар оромгоҳи ташкил қилинади. Мазкур оромгоҳни шартли равишда «иккинчи «Артек» деб номлаб, унга ёз пайтида бутун собиқ иттифоқдан болаларни олиб келиш мақсад қилинган. Афсуски, саксонинчи йилларга келиб, денгиз қуриши билан оромгоҳнинг машҳурлигини орттириш фояси ҳам сўниб қолди. Лекин орадан қарийб қирқ йил ўтиб, ушалмай қолган орзу рўёбга чиқмоқда.

«Оқ кема» оромгоҳи жойлашган жойда ўтган асрларнинг саксонинчи йилларигача сув бўлиб, кемалар сузган. Энг қизиғи, денгиз остида карвон йўли ҳам бўлган. Бу ҳақда мўйноқлик тарихчи олим Октябрь Доспанов қизиқарли воқеаларни сўзлаб берди.

– Мўйноқ тумани ҳудудида ана шундай намунавий оромгоҳнинг қурилганини кўриб, қувончим кўйинма сизга, ростки, – дейди болалиги денгиз соҳилларида ўтган О.Доспанов. – 1982 йилда охири мартта Мўйноқдаги «Артек»да («Рахат» оромгоҳи назарда тутилган) бўлиб, денгизда сузганман. Оромгоҳга бутун Ўзбекистондан, ҳаттоки, собиқ иттифоқнинг бошқа давлатларидан ҳам болалар келарди. Мўйноққа Тошкентдан ҳафтасига 3 мартагача самолёт қатнаган. Кейинчалик денгиз қуриб бошлади.

1980 йил ўрталарида «Рахат» болалар оромгоҳи фаолияти батамом тугатилади, лекин у билан боғлиқ ширин хотиралар ҳамон ёдимда. Ҳозирги «Оқ кема» оромгоҳи бунёд этилган жой денгиз бор пайтида кичик орол бўлган. Мўйноқ шаҳрига одамлар бу ердан кемаларда қатнаган. Мўйноққа бораётиб, сув тубида каналга ўхшаш чуқурликларга кўзимиз тушарди. Кемалар шу йўлни мўлжалла олиб сузарди. Одамлар уни «Тўя йўли» деб аташар эди. Сувнинг тагида тўя йўллари нима қилар экан, дея қизиқардим. Бир кун отамдан йўлнинг маъносини сўрадим. Билсам, Орол денгизи бурунги замонда худди ҳозирдек қуриб кетган экан. Савдо карвонлари йўлни қисқартириш учун Устюртдан айланиб юрмай, денгизнинг қуриган майдони билан тўғридан-тўғри шимол-ғарб томон йўл олган. Карвон йўли Устюртга чиқиб, нариёғи Жем (Эмба) ва Эдил (Волга) дарёлари бўйларига етиб борган.

Янги қурилган «Оқ кема» ҳам рамзий маънода болаларни ёруғ келажак сари олиб кетишга шай. Зеро, «Оқ кема» оромгоҳи қурилиши ҳам худди номига монанд. Қўш парвози баланглигидан қаралса ҳам кема шимол томон сузиб кетаётгандек, гўё.

«ДУНЁДАГИ ЭНГ ШИРИН ТАРВУЗ – МЎЙНОҚДА»

Мўйноққа борган киши айнан «Оқ кема» оромгоҳи қурилган жойларга келганда, ердаги тупроқни кўриб, ҳайрон қолади. Чунки ерда туз йўқ. Тупроқ унумдор. Шунинг учун бу жойни «Бозатау» (Бўз орол) деб аташган.

Ўтган асрда денгиз қайтиб кетгандан кейин аввал балиқчилик билан шуғулланиб келган маҳаллий аҳоли энди деҳқончиликка қўл уради. Экин жуда ҳосилдор бўлади. Шу пайтларда республика бўйича мактаблараро мусобақалар ўтказиб турилган. Яъни, қайси мактаб ўқувчилари кўп ҳосил йиғиб мактабга топширса – шу ғолиб деб топилган. Мўйноқ туманининг овулларидаги қатор мактаблар помидор экиш бўйича Ўзбекистонда энг илғор мактаблар қаторидан жой олади. Мўйноқнинг қовун-тарвузлари жуда ширин бўлиб етилади. Халқ орасида ҳозир ҳам гап бор: Мўйноқнинг қовун-тарвузини еган киши бошқасига қарамайди, деган. Айнан ҳозирги «Оқ кема» оромгоҳи қа

ростлаган жойда аввал боғ бўлган, у ерда қора тарвуз экилган. Бу тарвузлар, ҳаттоки, экспортга чиқарилган.

Бир кун битта ўқувчи тарвузнинг сиртига ўзининг исми-шарифини, манзилини, мактабини ёзиб юборарди. Бу тарвуз Қўнғиротдан поездларга юкланиб, Россияга кетади. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин мактабга Россиянинг



қайсидир ўлкасидан мактуб келади. Унда шундай ёзилган эди: «Азиз ўқувчи, Сизнинг тарвузингизни олдиқ. Едик. Умримда бундай ширин тарвузни еб кўрмаганман. Оролнинг қуриган тубида мана шундай тарвуз етиштирилгани мени таажубга солиди. Менимча, дунёдаги энг ширин тарвуз – Мўйноқда...»

Ҳа, «Бозатау» ОФИдаги ерларнинг бўз бўлиши табиий. Сабаби, Амударё бир вақтлари бу ерларга йилига миллионлаб тонна табиий минералга тўйинган лойқа оқизиб келиб турган. Маҳаллий аҳоли ҳанузгача экинларини ҳеч қандай кимёвий ўғитсиз етиштиради.

2000 йил бошларидан кейин туманда сув танқислиги кузатила бошлади. Экинларни суғориш мумкин бўлмай қолди. Сув танқислиги тўғрисида маҳаллий аҳоли деҳқончилик билан шуғуллана олмай, чорвачиликка ўтган эди. Қўш 2-3 йилдан бери қайтадан сув келиб, деҳқончиликни қўлга олган. Томорқаларига қараяпти.

«Оқ кема» оромгоҳи атрофига боғ яратиш мақсадида 5 гектар ер майдонига уч мингга яқин мева ва манзарали дарахлар ўтказилибди. Демак, яқин вақтлар ичида ушбу ҳудуд ҳам

яшилликга бурканади. Умуман, «Бозатау» ОФИда «Ешлар боғи», «Кўқон боғи», «Ажиниёз боғи», «Ўзбекистон Миллий университети боғи», «Наввой ташаббус боғи» каби ўнлаб боғлар пайдо бўлди. Уларнинг барчаси униб-ўсмоқда.

ОРОМГОҲ ИЛК ҚАЛДИРҒОЧЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

«Оқ кема» болалар соғломлаштириш оромгоҳига мавсум давомида 4 навбатда жами 600 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган.

– Пандемия шароитидан келиб чиқиб, болаларнинг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида ижтимоий масофани таъминлаган ҳолда мавсумнинг биринчи навбатида – 13 июнь кундан 150 нафар болани қабул қилдик, – дейди оромгоҳ раҳбари З.Сайтбекова. – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Мўйноқ туманидан 10 та кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул йўлланмалар соғва қилди. Хўжайли туманидаги «Меҳрибонлик уйи»нинг тарбияланувчилари, Мўйноқ, Шуманай, Қонлиқул туманларидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари, И.Юсупов номидаги истеъдодли болалар мактабининг ўқувчилари оромгоҳнинг биринчи дам олувчилари – қалдирғочлари бўлди.

– Ҳар йили юртимиздаги турли оромгоҳларда дам олардим, – дейди Хўжайли туманидаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиси Муҳаммадали Карамов. – Бу йил Мўйноққа борасизлар, деганда, тўғриси, бундай гўзал жой тасаввуримда ҳам йўқ эди. Келганимдан буён ҳаяжоним босилмаяпти. Ушбу оромгоҳдаги барча болалар номидан Муҳтарам Юртбошимизга бизга мана шундай имкониятлар яратгани учун чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Қорақалпоғистон бўйича ўтган йил ёз мавсумида 60 та болалар оромгоҳида 27590 нафар бола соғломлаштирилган эди. Жорий йилда эса пандемия тўғрисида қорақалпоғистонлик болалар фақат худуднинг ўзидаги оромгоҳларда дам олишади. Ёз мавсуми давомида ҳудудда 6 та стационар оромгоҳ марказлари, яъни Нукус шаҳридаги «Жас аулад» ва «Арал», Эллиққалъа туманидаги «Орол болалари», Туртқул туманидаги «Лочин», Тахиташ туманидаги «Айдин жол», Мўйноқ туманидаги «Оқ

кема» оромгоҳлари фаолият юритади. Мавсум давомида болаларнинг мазмунли дам олишини ва кўшимча таълим олишини таъминлаш мақсадида жами 66 нафар педагог ходимнинг фаолияти олиб бориши режалаштирилган.

Барча оромгоҳларда кутубхоналар ташкил қилинган, санъат соҳасидаги ва хорижий тиллар тўғрисидаги олиб бориш учун тажрибали ўқитувчилар жалб этилган.

Оромгоҳнинг тантанали очилиш маросимида рамзий қалит оромгоҳ директори З.Сайтбековага топширилди.

Тантанали очилиш маросими концерт дастури билан давом этди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов қатнашди.

Есимхан ҚАНОАТОВ, журналист

«Ishonch» газетаси учун махсус тайёрланди

КЕЛАЖАККА ЙЎЛ

1970 йил бошларида, Орол денгизи ҳали тўлиб мавжланган пайтларда унинг соҳилида «Ра-



Хоразм шилояти

Зерикишга имкон йўқ

«Урганчтрансгаз» унитар корхонаси қасаба уюшма кўмитаси ходимлар ва уларнинг фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Хусусан, 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан ногирон фарзанд тарбиялаётган 21 нафар ишчи-ҳодимнинг ҳар бирига 300000 сўм моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари, ходимлар фарзандлари учун «Болалар ижоди» онлайн танлови ташкил қилинди ва ғолиблар рағбатлантирилди.

– Қасаба аъзоларининг фарзандларидан 1137 нафари 7-12 ёш оралиғида, – дейди «Урганчтрансгаз» унитар корхонаси қасаба уюшма кўмитаси раиси Равшан Ўшчанов. – Пандемия шароитидаги айрим чекловлар уларнинг ёзи таътили олинган йиллар-

даги каби мароқли ўтказишига ҳалақит бермайди. Биз корхона раҳбарияти билан ҳамкорликда бунинг учун махсус чоралар кўрдик. Корхона қасаба уюшма кўмитаси, ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари ҳамкорлигида 7-12 ёшдаги болалар учун «Уйда қолинг!» шiori остида ташкил қилинаётган онлайн тадбирлар болажонларга манзур бўлмақда.

Карантин даврида ёз мавсумида болаларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишни ташкил қилиш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ, ҳар бир кун учун алоҳида тадбирлар ишлаб чиқилган. Ҳар тонг «Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шiori остидаги бадан-тарбия машғулотларидан бошланади. Мавсум давомида «Моҳир қўлар» тикиш, тўқиш тўғраги фаолият юритмоқда. «Менинг оилам» мавзусида расмлар танлови қизгин давом этмоқда. «Кичик усталар», «Ота-онасига қўмакчи бола», «Миллий куй-қўшиқлар», «Ёш ҳаваскор актёрлар», «Чет тилини биламан», «Жажжи дизайнер»,

«Мен севган қаҳрамон» каби 20дан зиёд лойиҳада болажонлар фаол иштирок этмоқда.

Қасаба уюшма кўмитаси ташкил қилган «Энг яхши китобхон» онлайн танлови ҳам болаларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Ушбу танловда иштирок этаётган болалар ўзлари ўқиган китоб мазмун-мундарижаси ҳақида баёнлар ёзиб, ижтимоий тармоқдаги махсус гуруҳга жойлашмоқда.

Онлайн лойиҳада фаол иштирок этган болажонлар ҳар ой якунига кўра, ҳар бир ёш тоифасида рағбатлантирилади.

Қасаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан йўлга қўйилган мазкур лойиҳалардан барча мамнун.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА, «ISHONCH»



Йўл қурмоқ – САВОБ, бузиш-чи?..

Йўл қуриш – энг савобли амаллардан. Бу тушунча мўқаддас динимизда ҳам, миллий қадриятларда ҳам ўз аксини топган. Мақол-у нақллар, ҳадислар кўп бу ҳақда. Бир нарса аниқки, йўл солиш нечоғли улуғланса, унга зарар етказиш, узоқни яқин қилиб турган йўлни бузиш шунчалик оқланмайди.

Албатта, ҳеч ким атайлаб тайёр йўлни бузмайди: ҳар ишнинг ўзига яраша сабаби бўлиши керак. Аммо... Биринчидан, ўша сабаб ўзини оқлаши, ўта муҳим бўлмоғи керак. Иккинчидан, башарти, ҳуқуқий-демократик давлатда яшаётган эканмиз, ҳар бир хатти-ҳаракатимиз қонун доирасидан чиқмаслиги лозим.

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси – мамлакатдаги йўллар қурилиши, шунингдек, йўл-қурилиш



Хўш, бу борада қонун нима дейди? «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонун талабларига кўра, автомобиль йўллари қайси юридик шахслар иштироғида бўлса, ўша субъектлар билан олдиндан келишмасдан каналлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, қувурлар, темир йўллар ҳамда

хисоблаш миқдорининг 1 бараваридан 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 10 баравари миқдоридида жарима солиниши мумкин.

Йўллари сақлаш қоидаларини бузганлик бўйича «Ўзйўлинспекция» мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузиш ҳам белгилаб қўйилди. Олдинлари бу каби ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланмагани сабабли, инспекция ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш олмади эди. Мазкур талаблар – қонун имзолангандан уч ойдан ўтиб, 23 апрелдан қучга кирди.

Шунга ҳам қарийб икки ой бўлди. Аммо йўллардаги ноқонуний бузишлар, уни ҳеч қандай ҳолатларда ҳам ўзбошимчилик билан қавлаш ҳолатлари ҳануз учрамоқда. Шу йилнинг 15 июнига қадар «Ўзйўлинспекция» масъуллари аниқланган автомобиль йўлларидаги ноқонуний қазилар сони 39 тани ташкил этди.

Бу миқдор кўпми ё кам, деган савол туғилиши табиий. Албатта, қўп. Боз устига, ҳар бир километр йўлга бюджетдан миллиардлаб маблағ сарфланганини эътиборга олсак, бу – шунча маблағ ҳавога учмоқда, дегани.

Аниқ мисолларга ўтсак. Яқинда «Ўзйўлинспекция» ходимлари томонидан Нурафшон шаҳрида ўтвучи 4Р-22 автомобиль йўлининг 0-3,5 километрлари, 4Р-19 автомобиль йўлининг 0-4 километрлари ва 4Р-20 автомобиль йўлининг 4-5 километрлари оралиғида амалга оширилган қазилар ишлари бўйича назорат ўтказилди, мазкур йўл Тошкент вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси тасарруфидadır.

Назорат натижаларида Тошкент вилояти «Сувоқова» ДУК томонидан қурилиш ишлари йўл ташкилотидан рўхсатнома олмадан, шунингдек, Тошкент вилояти ИИББ ЙХБ билан келишилган зарур бўлган ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш схемасиз, боз устига, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли йўл белгиларини ўрнатмаган ҳолда йўл марзасидан канализация ва ичимлик

суви тармоқлари ўтказиш ишлари олиб борилаётгани аниқланди. Бу эса юқоридида айтиб ўтилган «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддаси, қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сонли қарори бандлари талабларини очик-ойдин бузиш дегани.

Бундан ташқари, худди шунга ўхшаш қоидабузарлик Нурафшон шаҳри 4Р2 «Тошкент – Тўйтепа - А373» автомобиль йўлининг 29-35-км. чап ва ўнг томон оралиғида ҳам «Сувоқова» ДУК томонидан ўзбошимчилик билан, куппа-кундуз кўни қазиб ташланган.

Тўғри, Нурафшон шаҳри – Тошкент вилоятининг янги маркази. Табиийки, унда сув таъминоти, канализация каби инфраструктуралар ўтказилиши лозим. Лекин, такрор айтмасдики, ҳар ишнинг ўз йўриғи, қонун-қоида бор. Сув ўтказаман дея, халқнинг миллиардлаб маблағи сарфланган йўлни бузиб ташлаш, устига устак, бу билан йўловчи ва автомобиллар қатновини асоссиз ва оғоҳлантирмасдан тўхтатиб қўйиш – ҳеч бир қўюшқонга сиғмайди.

Афсуски, бу каби мисолларни Тошкент шаҳридан ҳам истаганча келтириш мумкин. Поёнтахта ҳам сув, газ ва электр энергияси таъминотини яхшилаш, носозликни бартараф этиш каби баҳоналар билан талай кўча ва йўллар ўзбошимчилик билан қазиб ташланмоқда. Масалан, Миробод туманидаги Амир Темур кўчасининг бир неча қисми ҳамда ушбу кўчанинг Саид Барока кўчаси билан қосишмасида, Шайхонтоҳур туманининг Фурқат ва «Кичик ҳалқа йўли» кўчалари чорраҳасида, Фурқат кўчаси бўйлаб «Нурафшон» кўчасигача, Форобий ва Мирза Ғолиб кўчалари чорраҳасида, Олмазор тумани «Қорасарой» кўчасида ҳамда бошқа ҳудудларда йўллар худди шундай сабаблар билан, ҳеч қандай рўхсат сўрамасдан қазиб ташланган ва иш якунланган, шунчаки, қўп учида таъмирлаб кетилган.

Юқоридида қоидабузарликлар юзасидан шу кўнга қадар мутасадди ходимлар томонидан «Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун» доирасида, автомобиль йўллари, яъни давлат мулкига келтирилган зарарнинг олдини олиш юзасидан тегишли чоралар қўрилмаган.

Юқоридида кўнгилсиз манзаралар юртимизнинг ҳар бир ҳудудида учраб турибди. Бундай ҳолатлар, биринчидан, миллиардлаб маблағларни «ҳавога учираётган» бўлиши, иккинчидан, халқ розилиғи, ватан тарқатиётган, дея кеча-ю кундуз тиним билмай ишлаётган йўлсозларимизнинг номини қора қилиб, уларнинг фидокорона меҳнатига «лой қоплаштириш». Бундан ташқари, йўлларда рўхсатнома талабларига риоя этмасдан коммуникация ўтказишда бажарилмаган қазилар ишлари йўлларда турли ноҳуш йўл-транспорт ҳодисаларига ҳам сабаб бўлади.

Унутмайликки, йўл – бир ёки бир неча одамнинг эмас, халқнинг мулки. Уни бут сақлашга барчамиз бирдек масъулмиз.

Фахриддин СОЛИҲОВ,
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи



«ЭШИКЛАР» АРО САРСОН ПЕНСИОНЕРЛАР
Мана, Наманган шаҳридаги шу қўндоқдаги қолат. Аҳоли 8 ҳафта қандай карантин қоидаларига риоя қилаётгани 9%, бу

Уйда қолинг, Халқ банки сизнинг пенсия ва нафақа пулларингизни етказиб беради

«Ishonch» газетасининг 13 июндаги №62-63-сонларида чоп этилган «Эшиклар» аро сарсон пенсионерлар сарлаҳали мақолага Халқ банкidan қўйидагича жавоб олинди:

БИРИНЧИДАН, карантин даврида акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан ҳар ойнинг 5-санасидан то 27-санасига қадар аҳолига пенсия ва нафақа пуллари белгиланган график асосида пенсия ва нафақа олувчиларнинг уйлари етказилмоқда.

ИККИНЧИДАН, пенсия пулини пластик карта орқали оладиган пенсионерларнинг пули ҳар ойнинг 5-санасига қадар пластик картага ўтказиб берилади. Шу билан бирга, пенсия тарқатиш графиги асосида пластик картадаги пулар хоҳишига кўра, нақдлаштириб берилади. Бундан ташқари, барча тижорат банкларининг банкوماتлари ва кассаларида пенсионерлар пластик карталаридаги пулларини фойдасиз нақдлаштириб олишлари мумкин.

УЧИНЧИДАН, карантин даврида муддати туған пластик карталарни янгисига алаштиришнинг онлайн тартиби жорий қилинган. Бунинг учун «Xalq mobile» иловаси орқали ариза топширилса – кифоя, фуқаронинг банкка бориши шарт эмас.

Халқ банки томонидан пенсионерлар учун максимал даражада қўлайликлар яратилмоқда. Пандемия даврида уйдан чиқмаслик тавсия этилаётганига қарамай, фуқароларимиз пластик карталаридаги пулнинг қанчалигини билиш ёки график бўйича пенсияси 20-сананда берилса ҳам, қачон берилишини сўраб, банкка мурожаат қилишмоқда.

Эслатиб ўтамиз, пенсия ва нафақа билан боғлиқ саволларингиз бўлса, кеча-ю кундуз ишлаётган 11-06 ёки (71) 210-20-02 «Ишонч телефонлари»га кўнгириқ қилишингиз мумкин.

Нима бўлган тақдирда ҳам, уйда қолинг, Халқ банки сизнинг пенсия ва нафақа пулларингизни етказиб беради.

ТАҲРИРИЯТДАН:
Халқ банкининг тезкор жавоби учун миннатдорлик билдира-миз. Аммо банк ахборот хизматида мақолада умуман бошқа мавзу кўтарилганини эслатиб ўтмоқчи эдик. Ажабки, мақолада қайд этилган воқеа – расмий жавобда молия муассасасининг Наманган вилояти филиали олдиди одамлар пластик карталари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун тўпдан қолган қазиларни сабаблари ҳақида лом-мим дейилмаган.



материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш соҳасидаги қўнуний ҳужжатлар талаблари бажарилишини назорат қилувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

«Ўзйўлинспекция» ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, мунтазам равишда автомобиль йўлларида олиб борилаётган йўл ишлари устидан қатъий сифат назоратини амалга оширмоқда.

Албатта, сўнги йилларда мамлакатда қурилаётган автомобиль йўллари, кўприк ва йўл ўтказгичларнинг салмоғи ортиб бораётгани ва бу – тарққиётимиздан далолат. Лекин бир нарса назардан соқит қилмаслик кераки, автомобиль йўллари қурилса-ю, уни сақлаш бўйича қоидаларга риоя қилинмас, уларнинг сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмайди. Йўлларнинг ҳам, ҳайдовчиларнинг ҳам ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган ҳолатлардан бири – йўл қурилиши ёки таъмирланишдан сўнг, кўп вақт ўтмай турли ваҳ-қорсонлар билан амалга оширилаётган қазилар ишлари оқибатида юзага келаётган ноқулайликлардир.

Жиззах вилояти

Коронавирус пандемияси сабаб Жиззах вилоятида фаолият юритаётган 10 945 та тадбиркорлик субъектининг 6271 таси ишламаётган эди. Бугунга келиб, «яшил ҳудуд»да карантин қоидаларига мувофиқ, 5 469 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти қайта йўлга қўйилиши натижасида жами 43 105 та иш ўрни тикланди.

Назорат

«УНУТИЛАЁТГАН» КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИ



Бирок, шундай бўлса-да, баъзи корхона, ташкилот, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил этиш, меҳнат шартини, ходимнинг хавфсизлигини ишончли кафолатлаш сингари бир қатор омилларга риоя этилмапти. Касаба уюшмалари ва ҳамкор ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш жараёнида карантин қоидаларига риоя этмаётган жамоалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

– Жиззах шаҳар тиббиёт бirlлашмасига қарашли 270 ўринли тиббиёт комплексини «Агроквант» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари амалга оширмоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Жиззах вилояти бўйича меҳнат техника инспектори Икром Жабборов. – Бу ерда ишчи ходимлар учун деярли шароит яратилмаган. Етоқхоналар антисанитар ҳолатда. Ишловчилар махсус кийим-бош билан таъминланмагани етмагандек, қурилиш майдо-нида кўпчилик ишчилар нибосиз юрибди. Антисептик воситалар, дезинфекция ишлари ҳақида гапирмас ҳам бўлади. Ишчи гуруҳи томонидан ўрганишлар натижа-

Мўқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Навоий вилояти

Бор бўл, оқибат

Поездга алмаштирилмайдиган ҳасса

Иштихонликлар Мавлон ака Оқиловни танти ва тадбиркор инсон сифатида билишади. У болаларни хурсанд қилиш учун чўнтагига ҳамisha конфет ёки ширинликлар солиб юради. Кексаларни эса бошига кўтаради. Карантин пайтида Мавлон ака аввал маҳалласидаги, кейин бошқа жойлардаги қаровчиси йўқ, кекса ва ногирон кишиларни топиб, уларга озиқ-овқат, кийим-кечак ҳада қилди. Картепа қишлоғида яшаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдурашул Аминовга турли совгалар билан бирга ҳасса ҳам тортиқ қилди.



– Ҳассани қўлимга олсам, у худди мени елкалаб кетаётгандек бўлади. Бу мен учун керакли ашё. Поездга ҳам алмаштирмайман бу савилни, – дейди Абдурашул бобо миннатдорлик билан.

Ўтган рамазон ойида пандемия туфайли хонадонларда ифторлик қилинмади. Бунинг ўрнига камбағал, ногирон, ўзидан қолган юртдошларимизга имкон қадар кўмак бериш тавсия қилинди. Мавлон ака ёлғиз, касалманд кишиларнинг бевари нечтасига 5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Бу ўқсик кўнгилларни обод қилгани аниқ.

Орамизда шундай кишилар борлиги ҳаётимизни янада гўзалаштиради, одамни яшашига ундайди.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»

СУРАТДА: Тадбиркор Мавлон Оқилов уруш қатнашчиси Абдурашул Аминов билан.

«ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «Сирдарё Дори-Дармон» МЧЖнинг бюртманомасига асосан, «Сирдарё Дори-Дармон» МЧЖ худудиде сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 2013 йилда и/ч. ГБА «LACETTI BVD» СПГ рўсуми, д/б 20/477ГАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 67600000 сўм;
- 2016 йилда и/ч. ГБА «CHEVROLET LACETTI» СПГ рўсуми, д/б 20/199ЛАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 74610000 сўм;
- 2013 йилда и/ч. ГБА «CHEVROLET NEXIA GL» СПГ рўсуми, д/б 20/772ГАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 42600000 сўм;
- 2005 йилда и/ч. «КАМА3-53215-1050-15» рўсуми, д/б 20/384ЕАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 272760000 сўм.

Очик аукцион савдолари 2020 йил 17 июль кўни соат 11:00да бўлиб ўтади. Мазкур мулклар билан сотувчининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Агарда ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 24-, 31-июль ва 8-, 15-, 22-, 29-август кўнлари бўлиб ўтади. Савдо ғолибига 5 (банк) иш кўни ичида сотувчи билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00дан 16:00гача (соат 13:00-14:00гача тушлик) қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «закалат тўғрисидаги келишув»га асосан закалат пули тўлангани тўғрисида тўлов ҳужжати нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули ва қўшимча кўрсатилган хизматлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдоридида тўлов «ZAMIN AVTO SPEKTOR» МЧЖнинг хисобрақамига (банк: АТИБ «Ипотекабанк» Қўжасарой филиали, х/р: 20208000900724516001, МФО.00262, СТИР.304619063) тўлашлари шарт. Аукцион савдоси ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Гулистон шаҳри, Ойдин йўли кўчаси, 4-уй. Тел: (93) 304-43-95. Ғувоҳнома: 3029

Эълонлар

Янги йўл туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2008 йилда Мўминова Нилуфар Шермухамбетовна номига берилган №42868996 рақамли шахсоатнома йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1993 йилда Мухаммадшова Шоира Абдусаломовна номига берилган №0177317 рақамли 11-синфини тўғрисида шахсоатнома йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Низомий номидидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси университетнинг Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи Рашидхон Йўлдошевга отаси Турсунбой ота ЙЎЛДОШЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлиқ билдиради.

Тарихнинг очилганмаган сир-асрорлари ўзидан ҳам кўп десак, муболаға бўлмас. Вақт келиб, ҳаммаси очилади, жой-жойга тушади. Аммо... шундай воқеалар ҳам борки, улар моҳиятини очилишига, ҳақиқат қарор топишига бир эмас, бир неча авлоднинг ҳам умри етмайди. Жиноят ёки фирибгарликни яшириш учун қасддан тўқилган талқинлар, тўхмат айбловлар, сохталаштирилган ҳужжатлар, кўрсатмалар, буларга асосланган илмий иддао ва ҳулосалар, ёлгон хотиралар боис ҳам шундай бўлади. Кейинги пайтларда ўтмиш тарихни қайта идрок этиш, унутилган воқеаларни хотирага қайтариш, бегуноҳларнинг номларини тиклаш борасида мақбул ишлар қилинмоқдаки, бундан, шубҳасиз, кўнгил таскин топади.

Ҳақиқат баҳс-мунозараларда очилади, деган гап бор. Чингизхоннинг кўли босқини хусусидаги бахсларда Утпор ҳокими Инолчиқ ҳоқон савдогарларини ўлдирмаганида, бу муддих қонқўрлик бўлмағлиги ҳам мумкин эди, деган фикр ҳам бор. Махмуд ялавоч ҳақида бир-бирини инкор этувчи қарашлар мавжуд. Комил Аваз ва Ҳусайнбой Ҳасанининг публицистик диалог асариде унинг эътиборга молик ишлари ҳақида ҳам фикр юритилади. Кўзон хони Худоевнинг шахсияти ҳақидаги мушоҳадаларни ҳам бир хил деб бўлмайди. Манбаларда хоннинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ, аммо ҳар қандай зуқко тадқиқотчини ҳам чалғитиб юборадиган фикру фактлар кўп. Улардан бирида келтирилишича, ҳарамни аёллар билан тўлдирган хон ўзининг ҳурматли устози никоҳини дағи гўзал аёлни адов юли билан ўрдага қорлаб, унга зўрлик билан уйланиб олади. Бу аёл Мадалихоннинг таклифи билан 1826 йили Покистондан Кўзонга кўчиб келган аллома Миён Фазл Фаҳрудиннинг шаръий хотини, Абдулла Қодирий Кўзонга борганида адиб билан суҳбатлашган Розиябегим эди.



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири

Яна ўша... Канизак ҳақида

1875 йилгача, яъни 135 йил ичида тахрига қонуний тарзда ўтирган хонлардан ўн беш нафардан ортиги ёлланган қотиллар, фитначи унсурлар, қилчи қонсирраган жаллодлар қўлида жон беради. Абдураимий, Сулаймонбий, Олимхон, Муҳаммадалихон, Султон Махмудхон, Шералихон, Султон Муродхон, Маллақон, Султон Саидхон, Шоҳмуродбек ва бошқалар тахта ўтирганларидан кейин ўлдирилган, сўйилган хонлардир. Хатто амир Умархондай маърифатли подшоҳ ҳам ўз акаси Олимхоннинг жасади устидан юриб ҳукмронликка эришган эди».

Зуқко муаррих Исҳоқхон тўра Иброт «Тарихи Фарғона» асариде амир Насрулло босқинига аслида нима сабаб бўлганини хусусиде кўйидагиче эъзади: «Муҳаммад Алихон аносини олди деган сўз рости бўлмай, бухорийлар қатларни айбини сатри учун қилган қабихаларини тавжиге чиқарилмиш сўзлари экан. Асл мурдадо бўлак экан. Чунончи, (Насрулло) Умархон «оламан» деган Пошшоҳон оиймини хусини эшитиб, гойибона мафтуни жамол бўлб, муни анча сабаб қилиб келган экан... Муҳаммад Алихонни халқни кўзига осиео гуноҳкор кўрсатиб, шариятини поймол қилди, танбеҳ даркор, деб келиб, қанча хонзода маълума оиймларни қатли бағайри ҳақ қилиб, охирулам мурод ўшал оийм экан, олуб, мурдадо сиегиб, Бухорога олиб кетди».

Амир Насрулло аъёнлари ичида унга тўри маслаҳат кўрсатишга журъят қилдиган кишилар ҳам бўлган. Уларнинг бири – саркарда Абдусамид ноиб, иккинчиси эса шоир Жунайдулло Ҳокиқидир. Амир Насрулло босқинига тоб беролмай, уқаси Махмудхон билан бирга қочган Муҳаммад Алихонни унинг хузурига тўтиб келтирилганларида рўй берган воқеани Иброт кўйидагиче тасвир-


лайди: «Амир (уларни) дарҳол қатлга ҳукм қилганда ўз вазиралидан Абдусамид ноиб деган хушманд киши амирга «Жаноби олийларига малолит хотир бўлмасе, бир калима сўз айтсам» деганда, амир «Нима сўздур?» деган экан. Айтибдурки, «Ҳоло Ҳўқанд забт ўлди, Фарғона қатта мамлакатдур, қанча асару, сипоҳу хазиана сарф ўлуб олинди, алҳолда Русияни келмаги маҳали хавфдур. Агарда хонни онти акид бериб, тавба қилдурб, Ҳўқандга кўюб, Бухорога тобеъ қилинса, бир мулк бўлуб, бизларга келган душманларга бир қалқон бўлуб эрди», деганда (унинг) сўзи амирга маъқул бўлмай, оғизга кафш билан урдурган экан».

Тарих сандиғиде адолатли талқинини кўтиб ётган бундай воқеа-ҳодисалар кўп. Уларни аниқлаштириш – муҳтарам олимларимиз, ёш тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифа. Не бахти, бу йўналишда зарур тадқиқотлар кўпаймоқда. Ушбу мақола айнаи шу янги изланишлар бос қозоғга тушди. Яқинда таниқли олим Тоҳирхон Иминовнинг «Амир Умархон канизлари» рисоласи босмадан чиқди. Ғоят мураккаб мавзу. «Амир канизи Ойхонпошшага уйланиб, ундан иккита фарзанд кўргани рости, Мадалихон ўзининг ўғай онасига уйланиб, шариятини оёқости қилгани, бу гуноҳи учун Кўзон қонга ботирилгани ҳақиқатми ёки...» д-

ган саволлар кўпларни қизиқтиради, айрим тадқиқотчилар «ишончли манбалар» асосиде турлича фикрлар баён қилишади. Тоҳирхон Иминов қумдан тилла зарраларини қидиргандай, қўлдан-қўп манбаларни қийсий ўрганиб, ўз кўзатувлари ва Абдулла Қодирий, Шариф Юсупов қаби муаллифларнинг фикрлари асосиде якуний ҳулосага келади. «Ойхонпошша бахти қаро бўлиб дунёга келган экан, – деб эъзади муаллиф. – У бениҳоя гўзал эди, мана шу гўзаллиги бошига бало бўлди. Унга ўз замонидеги уч ҳукмдорнинг ишқи тушди, «Турон Клеопатраси» деган ном олди. Умархондан икки фарзанд кўрган аёлга, унинг вафотидан сўнг ўғли уйланиб, деган асоссиз гап тарқалиши оқибатиде Мадалихоннинг юзига «софид» деган қора бўёқ чаланди, унинг хонлик даври юртимиз тарихининг машҳум йиллари сифатиде таърифланди».

Манбаларда Амир Насруллонинг Кўзонга келиши босқинчилик эканлиги, бу қонли юришга жиддий ҳозирлик қўрилгани, канизак эса бор-ўйги бир баҳоналиги асослаб берилган. Шундай бўлса-да, Умархоннинг ёш канизга уйланиши ва ундан иккита фарзанд кўриши баъзи тадқиқотчилар назиде баҳсли бўлиб қолаверди. Тоҳирхон Иминов айнаи шу баҳсга ойдинлик киритишга ҳаракат қилади ва бу иддаонинг рад этувчи фикрини далиллайди.

Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романида кўйидагиларни ўқиймиз: «Туркистон хонлиғи тарихидан хабардор кишиларга маълумдирки, Амир Умархон охир умрида ўз саройидеги ёш канизлардан бирига муҳаббат қўядир. Каниз ёш бўлганине ва балоғатка етмаганлиги учун уни никоҳига оламай вақт кутадур. Шу кўтиб юриши йилларида Умархон муродога еталамай вафот қилади, тахтка ўғли Мадалихон минадир. Орадан бир неча йиллар ўтиб боғий каниз қиз балоғатка эришадир ва бир хуснига ўн хусн кўшулиб, отанинг боласи бўлган Мадалихонни ҳам ўзига ошиқ қилади. Ўз саройиде ўскан бу қизни ёш хон ҳамиша кўз ўнгиде юрирсе ҳам, бирок... тарихнинг бизга хабар беришига қарағанда, Мадалихон шу қизнинг дардида бир неча йиллар ёнади. Чунки уламолар бу гўзални Мадалига она мақомида ҳисоблаб, нима учундир хоннинг орзусига қўндалан келадилар: «Отангиз, агар-агар кўндалан канизни ўз никоҳларига олмаган бўлсалар ҳам ва лекин балоғатка



эришгач оларман, деб ният қилганлар. Бинобарин, бу каниз сизга она мақомида, шарият ружсат бермайди», дейдилар.

Мадалихон бу фатводан кейин дардини ичига тутишга мажбур бўлиб, аммо иккинчи тарафдан ўзининг орзусига қарши борган уламони секин-секин «илмий» ишлардан олиб, улар ўрнига янгиларини қўя бошлайдир. Ўз орзусига замин ҳозирлагач, бир неча йилни

қолишади ва ёзувчи билан бирга қоғозларни ҳам «вешдок» сифатиде олиб кетишади. Қамқонча мулозимлари уларга тамаки ўраб чекишган экан...

«Амир Умархон канизлари» рисоласининг муҳим жиҳати шундаки, муаллиф Ҳақимхон Туранинг «Мунтахаб ут-тавориҳ» асариде Амир Умархоннинг Ойхонпошша билан турмушда бўлгани ҳақида маълумот борлигини четлаб ўтмайди, баъзи муаллифлар Ҳақимхон Туранинг хотиралари асоси, деган ҳулосада ҳамон собит турганларини айтади. Тарихий асарда айтиб қўйилбидими, қарши фикр билдириш қийин. Шунга қарамай, Тоҳирхон Иминов «Боринги, Ойхонпошшанинг Умархонга никоҳлангани ва ундан икки фарзанд кўргани рости, нега энди бу хусусда «Мунтахаб ут-тавориҳ»ни жиддий ўрганган ва ундан кенг фойдаланган тарихчи олим В.П.Наливкин бир оғиз ҳам сўз айтмаган, наҳотки, Кўзон ва Марғилонда бир неча бор бўлган Абдулла Қодирий бу никоҳ ҳақида эшитмаган?», деган ҳақли саволларни ўртага қўйди ва «Ҳақимхон Туранинг қалбиде Мадалихонга нисбатан чуқур кек ва адоват ҳам мавжуд эдики, улар, шубҳасиз, Ҳақимхон Туранинг қалами орқали битикларининг мазмунига таъсир этган. Шу боисдан ҳам «Мунтахаб ут-тавориҳ»даги асоссиз иддаолар олим ва тадқиқотчилар назаридан четда қолган», деган фикрни айтади.

Манбаларда келтирилишича, Ойхонпошша 1810 йили Фарғона бекларидан бири Махмудбек оиласиде туғилган, Умархон ўлимига қкин ҳарамга олинган. Хон 1822 йили ВАФОТ ЭТГАН, ДЕМАК, ҚИЗАЛОҚ САРОЙГА КЕЛГАНДА 10-11 ЁШДА БЎЛГАН. БИР ҚАРАШДА БАҲС-МУНОЗАРАГА ЎРИН ҚОЛМАГАНДАЙ.

Ўтқариб, яна уламога шу тўғрида фатво сўраб мурожаат қилади. Табиъий, яқиндагина оғзи ошқа еткан янги уламолар ўз валиий неъматлари бўлган Мадалихонга хиёнат қилмайдилар-да: «Ба назде мухталидини киром асли эътибор акди шаръийдир. Отангиз марҳум – никоҳланман деб айткан бўлсалар ҳам никоҳланди, деб айтмаганлар. Бас, амрал мўъминини мазкурани худ нафсларига акди шаръий (шаръий никоҳ) қилсалар жоиз ва дурустдир. Валлоҳи аълам биссаваб», деб фатвономани «бинни муфти марҳум», «бинни мударрис марҳум», «бинни Хўқандий марҳум» – муҳри бағайбатлари билан қалашдириб берадилар ва Мадалихон тўй ва томошалар билан мурод-мақсадига етадилар...

Манбаларда келтирилишича, Ойхонпошша 1810 йили Фарғона бекларидан бири Махмудбек оиласиде туғилган, Умархон ўлимига қкин ҳарамга олинган. Хон 1822 йили вафот этган, демак, қизалоқ саройга келганида 10-11 ёшда бўлган. Бир қарашда баҳс-мунозарарага ўрин қолмагандай.

Аммо Тоҳирхон Каримов изланишда давом этади. «Албатта, Абдулла Қодирий юқоридеги ҳулосани тўқиб чиқармаган, зеро, адолатли адиб феълиде бундайини кусур бўлмаганини кўпчилик яхши билади, – деб эъзади у, – қолаверса, романини ёзишдан аввал бир неча бор Кўзонда бўлган, ёши улуг кексалар билан узоқ суҳбатлар қилган. Бундай инсонлар Қодирийга тарихни бузиб кўрсата олмас эди, ўз навбатида, ёзувчи тарихий фактларга ўта эҳтиёткор ва ўзига ниҳоятда талабчан бўлган, аниқ ишонч ҳосил қилгандагина воқеа-фактларни муомалага киритган. Мадалихон ва Ойхонпошша қисматида шу қадар таъсирланганки, тезликда уларнинг тақдирини билан боғлиқ учинчи йилрик асари бўлиши «Амир Умархоннинг канизи» номли романини ёзишга киришган. Бу роман ҳақида ёзувчининг ўзи Музаъйяна Авалияга: «Ўйлаб юрган романини ёзиб битирсам, китоб бўлиб чиқса, кўрқаманки, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини ҳеч ким ўқимай қўяди», деб айтган экан».

Бундан кейинги воқеалар кўпчиликка аён. 1932 йили мамлакатда қама-қамалар бошланганида Қодирий сезгирлик қилиб роман кўлёмаси ва тўпаланган материалларни темир сандиққа солиб, кўмиб қўяди. Орадан маълум вақт ўтгач, адиб сандиқини очиб, намикқан қоғозларни қўригатаётганида орган ҳодимлари келиб

«Амир Умархон канизлари» рисоласининг муҳим жиҳати шундаки, муаллиф Ҳақимхон Туранинг «Мунтахаб ут-тавориҳ» асариде Амир Умархоннинг Ойхонпошша билан турмушда бўлгани ҳақида маълумот борлигини четлаб ўтмайди, баъзи муаллифлар Ҳақимхон Туранинг хотиралари асоси, деган ҳулосада ҳамон собит турганларини айтади. Тарихий асарда айтиб қўйилбидими, қарши фикр билдириш қийин. Шунга қарамай, Тоҳирхон Иминов «Боринги, Ойхонпошшанинг Умархонга никоҳлангани ва ундан икки фарзанд кўргани рости, нега энди бу хусусда «Мунтахаб ут-тавориҳ»ни жиддий ўрганган ва ундан кенг фойдаланган тарихчи олим В.П.Наливкин бир оғиз ҳам сўз айтмаган, наҳотки, Кўзон ва Марғилонда бир неча бор бўлган Абдулла Қодирий бу никоҳ ҳақида эшитмаган?», деган ҳақли саволларни ўртага қўйди ва «Ҳақимхон Туранинг қалбиде Мадалихонга нисбатан чуқур кек ва адоват ҳам мавжуд эдики, улар, шубҳасиз, Ҳақимхон Туранинг қалами орқали битикларининг мазмунига таъсир этган. Шу боисдан ҳам «Мунтахаб ут-тавориҳ»даги асоссиз иддаолар олим ва тадқиқотчилар назаридан четда қолган», деган фикрни айтади.

Ғоят жиддий айблов! Бундай дейишга тарихий асос зарур. Тоҳирхон Иминов китобхонни ана шундай асослар билан таништиради. Биринчиси: «Мадалихон ва Ҳақимхон Тўра – ақин жон-жигар қариндошлар! Мадалихон жои ва дурустдир. Валлоҳи аълам биссаваб», деб фатвономани «бинни муфти марҳум», «бинни мударрис марҳум», «бинни Хўқандий марҳум» – муҳри бағайбатлари билан қалашдириб берадилар ва Мадалихон тўй ва томошалар билан мурод-мақсадига етадилар...

«Амир Умархоннинг канизи» рисоласининг муҳим жиҳати шундаки, муаллиф Ҳақимхон Туранинг «Мунтахаб ут-тавориҳ» асариде Амир Умархоннинг Ойхонпошша билан турмушда бўлгани ҳақида маълумот борлигини четлаб ўтмайди, баъзи муаллифлар Ҳақимхон Туранинг хотиралари асоси, деган ҳулосада ҳамон собит турганларини айтади. Тарихий асарда айтиб қўйилбидими, қарши фикр билдириш қийин. Шунга қарамай, Тоҳирхон Иминов «Боринги, Ойхонпошшанинг Умархонга никоҳлангани ва ундан икки фарзанд кўргани рости, нега энди бу хусусда «Мунтахаб ут-тавориҳ»ни жиддий ўрганган ва ундан кенг фойдаланган тарихчи олим В.П.Наливкин бир оғиз ҳам сўз айтмаган, наҳотки, Кўзон ва Марғилонда бир неча бор бўлган Абдулла Қодирий бу никоҳ ҳақида эшитмаган?», деган ҳақли саволларни ўртага қўйди ва «Ҳақимхон Туранинг қалбиде Мадалихонга нисбатан чуқур кек ва адоват ҳам мавжуд эдики, улар, шубҳасиз, Ҳақимхон Туранинг қалами орқали битикларининг мазмунига таъсир этган. Шу боисдан ҳам «Мунтахаб ут-тавориҳ»даги асоссиз иддаолар олим ва тадқиқотчилар назаридан четда қолган», деган фикрни айтади.

Ғоят жиддий айблов! Бундай дейишга тарихий асос зарур. Тоҳирхон Иминов китобхонни ана шундай асослар билан таништиради. Биринчиси: «Мадалихон ва Ҳақимхон Тўра – ақин жон-жигар қариндошлар! Мадалихон жои ва дурустдир. Валлоҳи аълам биссаваб», деб фатвономани «бинни муфти марҳум», «бинни мударрис марҳум», «бинни Хўқандий марҳум» – муҳри бағайбатлари билан қалашдириб берадилар ва Мадалихон тўй ва томошалар билан мурод-мақсадига етадилар...



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғиде 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улугбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМЎЛЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳарририни биринчи ўринбосари), Темура МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Doverie» бўлиб), Меҳридин ШУКУРОВ, (Маъсуа котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсуа котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69 Хўқуқ ва халқаро хайт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий кадрятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқлиқлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Қўрақалон вилояти – (+998-99) 889-90-22 Андиқон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-35 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатиде газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назаридан фарқланмиш мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Ж.Наханов Саҳифачоли: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 22:00 Топшириш вақти – 00:50

Газета офсет усулде, А-2 форматиде босилди. Ҳаҳми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ – 617. 30062 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда Манзилими: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказиде терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «potekba» Яшнобод филиали, банк номи: 00959, СТИР: 201133889, ОКД: 58130

Эълон

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ Жиззах вилояти филиали босқичма босқич ошиб бориш шаклида ўтказилади оқиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Оқиқ аукцион савдосига «Сирдарё дори-дармон» МЧЖ балансидаги Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Бакт шаҳри, Ш.Рашидов кўчасиде жойлашган «9-сонли дорихона» биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 310 190 000 кум.** Аукцион савдоси 2020 йил 17 июль соат 11:00да Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ойдин йўл кўчаси, 4-уй манзилида бўлиб ўтади (аукцион савдолари карантин кунларида тўғри келган тақдирда, савдолар масофадан туриб, яъни видеоконференция шаклида ўтказилади). Ушбу кўчмас мулк белгиланган муддатда сотил-

маган тақдирда тақрорий савдолар 2020 йилнинг 4-, 11-, 18-, 26-август, 4-, 8-, 15-, 22-, 29-сентябрь, 6-, 13-, 20-, 27-октябрь, 3-, 10-, 17-, 24-ноябрь ва 1-, 8-, 15-, 22-, 29-декабрь кунлари бўлиб ўтади. Аукцион савдосиде иштирок этиш истagini билдирган шахслар «Заказат тўғрисидаги келишув»ни имзолангандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 5 фойздан кам бўлмаган миқдордаги заказат пулини «Tashkent Realtor Service» МЧЖ-нинг ҳисобрақамига (х/р:20208000804876496001, банк: АТИБ «Ипак йўли» Миробод филиали, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808) тўлашлари лозим.

Шунингдек, риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан, талабдорларга кўчмас мулк бозориде ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича шартномалар тузилади. **Аукцион савдосиде қатнашиш учун талабдорлар кўйидаги ҳужжатларни топшириши керак:** – юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганда, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

– жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганда, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Аукционда қатнашиш учун буюртномалар эълон чоп этилган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади. **Аукцион савдосиде иштирок этиш учун талабдорлар кўйидагиларга мурожаат этиши мумкин:** e-mail: realtorservice@mail.ru. Тел: (72) 226-55-20, (99) 084-65-89

Лицензия RR-0008